



V GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA

INTERNATIONAL-SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE

KAZAKHSTAN/RUSSIA/BELARUS/KYRGYZSTAN/MONGOLIA/
TAJIKISTAN/TURKEY/UKRAINE/UZBEKISTAN



ASTANA 2019

УДК 576.132

**УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ВА ОДАМЛАРНИ *Demodex* L. КАНАЛАРИ БИЛАН
ЗАРАРЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАР ҚЎЗГАТАДИГАН ДЕМОДЕКОЗ
КАСАЛЛИГИГА ТАШХИС ҚЎЙИШ УСУЛЛАРИ****Бўриева Хуршида Парда кизи**Карши давлат университети Биология (зоология) мутахассислиги магистри,
Қарши ш., Ўзбекистон Республикаси

Илмий раҳбар - Биология фанлари номзоди, доцент Ғ.Ё.Бобоназаров

Одам ва ҳайвонлар демодекоз касаллигини қўзғатувчиси *Demodex* L. авлоди каналари ҳисобланади. *Demodex* L. каналари сут эмизувчи ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари ва одамларни тер безлари, жун ва соч илдизи ҳалталарида ривожланади ва зарарлайди. Бу касаллик ветеринарияда ҳам, медицинада ҳам демодекоз деб аталади. Ўзбекистонда ҳам бу касаллик тарқалган бўлиб, уй ҳайвонлари ва одамларда учраши қайд этилган. Касаллик табиий манбали характерга эга бўлиб, уй ҳайвонлари маҳсулдорлигига путур етказди ва одамлар соғлиғига зарар келтиради [3].

Шунинг учун бугунги кунда медицина ва ветеринария паразитологиясида уй ҳайвонлари, одамларни *Demodex* L. каналари билан зарарланганлигини аниқлаш ва улар қўзғатадиган демодекоз касаллигига ташхис қўйишда қўлланиладиган ҳар хил методика ва усуллар мавжуд.

Уй ҳайвонлари тери қаватидан дерматологик синов-намунасини олиш усуллари. Уй ҳайвонларида демодекоз касаллигига ташхис қўйишда этиологик усуллардан фойдаланилади. Қайд қилиш керакки, *Demodex* L. каналари тери устки қаватида туклар фолликула соҳаси, ёғ ва тер безлари, шунингдек айрим ҳолатларда лимфа тугунлари ва паренхиматоз органларда жойлашиши ҳам мумкин ва шу сабабли, ушбу касалликка ташхис қўйиш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун дастлаб ўрганилаётган уй ҳайвонларининг паспорт маълумотлари (тури, ёши, жинси, ранги, лақаби ва бошқ.), сақлаш шароити, озуқа рацион таркиби, шунингдек жисмоний фаоллик даражаси бўйича маълумотлар қайд қилинади. Навбатдаги босқичда – ўрганилаётган уй ҳайвонининг тана ўлчамлари (вазни, бўйи ва бошқ.), тана ҳарорати (°C), юрак уриш пульси (марта/минут), нафас олиш кўрсаткичлари (марта/минут) қайд қилинди. Бундан ташқари ҳайвонларининг тери қаватида дерматологик ташхис қўйиш ишлари давомида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади: терида жун қопламанинг ҳолати (бир текисда, силлик ҳолатда, тукларнинг терида жойлашиш мустаҳкамлиги, сийрак ёки зич жойлашганлиги, терида жун тўкилган соҳалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги); терининг эластиклик хусусияти (терининг тургор ҳолати); тери остида клетчатка қаватининг ривожланиш даражаси; терининг специфик ҳиди; терининг умумий клиник ҳолати (соғлом, касалланган, жароҳат ва яллиғланиш соҳалари, эритема, қон қуйилиш соҳалари, пуфакчалар, тангачасимон соҳалар мавжудлиги ва бу соҳалар ранги, ўлчамлари); терининг ҳарорати; терида эктопаразитлар мавжудлиги (кана, бит ва бошқ.); терининг ранги (меъёрий ҳолатда, оқиш тусда, қизарган, кўкарган, сарғайган, патологик пигментация, гиперемия, петехия, экхимоз); терининг намлик даражаси (қуруқ ҳолатда, ўртача намлик, тер ажралиш жадаллиги) [4,5,6].

Уй ҳайвонлари тери соҳасидан тиббиёт спирти ёрдамида стерилланган жарроҳлик скальпели ёрдамида демодекоз мавжудлиги тахмин қилинган тери соҳасидан синов-намунаси кесиб олинади ва тезда консервант – 10% ли глицерин эритмасига солинади. Синов-намунаси олинган тери соҳаси йод эритмаси билан дезинфекция қилинади.

Уй ҳайвонларида *Demodex* эктопаразит кана тури мавжудлигини аниқлаш учун Д.Р.Приселкова томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича жарроҳлик скальпели ёрдамида олинган тери қатлами синов-намунаси Петри чашкасига дистилланган иссиқ сувли муҳитга





солинади ва 15–20 минут инкубация қилинади. Кейин эса, микроскоп остида ҳаракатланувчи каналар кузатилади. Н.Н.Богданов томонидан ишлаб чиқилган услубда тери синов–намунаси қора рангли қоғоз устига қўйилади ва $+25...+30^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилади, ҳаракатланувчи каналар предмет ойнаси устига жойлаштирилиб, микроскоп остида ўрганилади. Г.З.Шик томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича тери синов–намунаси Петри чашкасига солинади ва бироз қиздирилиб, лупа ёки микроскоп остида ўрганилади. А.В.Алфимова томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича тери синов–намунаси Петри чашкасига солиниб, термостатда 5 минут давомида $+40^{\circ}\text{C}$ ҳарорат шароитида инкубацияланади. Сув билан намлантирилган муҳитда ҳаракатланувчи каналар микроскоп остида ўрганилади. Н.Ф.Родионова томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича тери синов–намунаси пластмассадан ясалган воронкага металдан ясалган элаксимон соҳа орқали киритилади ва воронка $+40^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги дистилланган сув билан тўлдирилади, 40 минут инкубацияланганидан кейин, резина қувурча орқали синов–намунаси центрифуга пробиркасига қўйиб олинади ва 1 минут давомида 1000 айланиш/минут тезликда центрифугаланади, чўкма микроскоп остида ўрганилади. М.Г.Хатин томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича тери синов–намунаси иссиқ сувли лаборатория ҳаммомига солинади ва пробирка деворига сирпаниб чикуви каналар йиғиб олиниб, микроскоп остида ўрганилади. В.Б.Дубинин томонидан ишлаб чиқилган услуб бўйича тери синов–намунаси пластмассадан ясалган воронкага металдан ясалган элаксимон соҳа орқали киритилади ва воронка ичига шакар эритмаси солинган пробиркага туширилади, бунда воронканинг пастки қисми эритмага тегмаслиги талаб қилинади, ушбу ҳолатда термостатда 40 минут давомида $+40^{\circ}\text{C}$ ҳарорат шароитида инкубацияланади. Бунда тирик ҳолатдаги каналар тери бўлакчасидан чиқиб, шакар эритмаси солинган пробиркага ўтади ва эритма юзасида тўпланади, металдан ясалган илмоқ ёрдамида эритма юзасидаги қават йиғиб олиниб, микроскоп остида ўрганилади. Умумий ҳолатда Д.Р.Приселкова томонидан ишлаб чиқилган услуб *Demodex L.* каналарини аниқлашда 84,2% гача аниқликда ишлаш имконини бериши қайд қилинади[1,2,5].

Одам тери қаватидан синов–намунасини олишда дастлаб, демодекоз юзага келган соҳа стерилланган тиббий қўлқоп кийилган ҳолатда бармоқ билан пайпасланиб, бўртиқча соҳалари аниқланди ва тери соҳаси 75 % ли тиббиёт спирти билан ишлов берилди ва кейин, шприц нинаси санчилиб, тери остки қисмидан қуюқ масса тортиб олинди.

Одам организмида *Demodex L.* каналарига ташҳис қўйишда “биопсия синов–намунасини олиш кетма–кетлиги орқали” - микроскопик таҳлил услубидан фойдаланилади.

Мамлакатимиз шароитида аҳолини *Demodex* каналари билан зарарланиши ўрганиш ва ташҳис қўйишда ЎЗР ССВ Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий–амалий тиббиёт марказининг Бактериология ва микробиология лабораториясида ҳамда вилоят ва шаҳарлардаги тери-таносил касалликларига комплекс ташҳис қўйиш йўналишидаги бактериология ва микробиология лабораторияларида бактериологик ва бактериоскопик тадқиқот услублари қўлланилади. Шунингдек, Бейли, ЭД–1, ЭС–1 озуқа муҳитлари, N–300М бинокуляр микроскопи ва бошқа замонавий қурилмалардан фойдаланилади.

Умуман юқорида қайд этилган методлардан амалиётда фойдаланиш уй ҳайвонлари ва одамлар демодекоз касаллигига аниқ ташҳис қўйиш, касалликни тез даволаш ва унга қарши профилактика чора-тадбирларини самарали ташкил этиш имкониятини яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. Василевич Ф.И., Ларионов С.В. Демодекоз животных // Ветеринария. – 2001. – С.234–235.
2. Ерман К., Шабдарбаева Г.С. Демодекоз плотоядных, распространение и диагностика // IX Международная студенческая научная конференция. «Студенческий научный форум» – 2017. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.scienceforum.ru/2017/>





Олжабай Жәнібек Талғатұлы (Астана, Қазақстан) ТРАДИЦИИ И ОБЫЧАИ КАЗАХСКОГО НАРОДА «БЕТАШАР» И «ЖҰТЫП, ҚАЙТА ҚҰСУ»	64
Никитина Нелли Викторовна, Баркова Наталья Геннадьевна (Гродно, Беларусь) АНАЛИЗ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА В ОАО «СЛОНИМСКИЙ МЯСОКОМБИНАТ».....	68
Ысқақова Ұлмекен Құрақбайқызы (Атырау, Қазақстан) ДИАЛОГ ҚҰРЫЛЫМЫНДАҒЫ ТІЛДЕСІМДІК КӨРСЕТКІШТЕР	71
Ахрадилов Мейрас Муханбеткананияұлы (Астана, Қазақстан) РАЗРАБОТКА МЕРОПРИЯТИЙ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ ВРЕДНЫХ ВЫБРОСОВ ДИЗЕЛЕЙ	75
Казачок О.П. (Алматы, Казахстан) СЕТЕВЫЕ СООБЩЕСТВА УЧИТЕЛЕЙ КАК РАЗНОВИДНОСТЬ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ ПЕДАГОГА И ЕГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ	79
Aziz Zikriyev (Tashkent, Uzbekistan) UPCOMING SAFETY-FIRST REGULATION IN CONSTRUCTION IS THE MAIN FACTOR FOR REDUCING ACCIDENTS IN SITE	82
Гулбахар Бекиметова (Қарақалпақстан) ИСЛАМ ТӘЛИМАТЫНДА ДОСЛЫҚ, ИНСАНЫЙЛЫҚ КӨЗҚАРАСЛАРДЫҢ СӘҰЛЕЛЕНІҰИ	86
Абриева Моҳидил Тўлқин қизи (Қарши, Ўзбекистон) ГИДРОФИЛ ҚУШЛАР ТРЕМАТОДОЗЛАРИДА СУВ МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ РОЛИ	88
Бўриева Х.П. (Қарши, Ўзбекистон) УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ВА ОДАМЛАРНИ DEMODEX L. КАНАЛАРИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАР ҚЎЗҒАТАДИГАН ДЕМОДЕКОЗ КАСАЛЛИГИГА ТАШХИС ҚЎЙИШ УСУЛЛАРИ	91
Давронов Б, Зиёдуллаева Ю (Ўзбекистон) ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ОЗУҚА РАЦИОНИ ТАРКИБИГА ҚЎЙИЛУВЧИ ТАЛАБЛАР	93
Феллер Анастасия Сергеевна (Казахстан) КОНСПЕКТ ЛОГОПЕДИЧЕСКОГО ЗАНЯТИЯ НА ТЕМУ: «ДЛЯ ЧЕГО НУЖНА МЕБЕЛЬ»	95
Касенова Асель Игликовна, Аслямова Тансулу Алтайевна (Петропавл, Қазақстан) ОҚУШЫЛАРДЫҢ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫН ДАМЫТУДАҒЫ ОЙЫН ӘРЕКЕТТЕРІНІҢ РОЛІ	97
Шонтаев Д.С., Қоңқыбаева А.Н. (Астана, Қазақстан) МЕТОДИКА ИССЛЕДОВАНИЙ ПРОЯВЛЕНИЙ ГОРНОГО ДАВЛЕНИЯ	98
Абдукаримов Жамолитдин Ахмадалиевич (Тоджикистан) БУХОРО ХОНЛИГИГА ОИД НОДИР АСАРНИНГ ЯНГИ НАШРИ ҲАҚИДА	101
Baimish Maksat (Atyrau, Kazakhstan) ABOUT FEATURES OF LEARNING IN INFORMATICS AT SCHOOL ON THE UPDATED EDUCATIONAL PROGRAM.....	103
Рузанова Лиана Сергеевна (Алматы, Казахстан) МАНИПУЛЯЦИЯ ОБЩЕСТВЕННЫМ СОЗНАНИЕМ В СОВРЕМЕННОМ ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ.....	105
Жалели Акмарал Темирбекқызы (Ақтобе, Казахстан) ТЕКУЩАЯ ПРОБЛЕМА ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ	109
Кулумбетова Роза Мурзабековна (Ақтөбе, Қазақстан) БҰЙРЕК АУРУЫМЕН ЕСЕПТЕ ТҰРАТЫН АЖМК СТУДЕНТТЕРІНІҢ НЕСЕБІН ЗЕРТХАНАЛЫҚ ЗЕРТТЕУ ЖӘНЕ ТАЛДАУ	111
Рабаева Гульнара Канановна (Ақтобе, Казахстан) КУРЕНИЕ И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ	115
Сагнаева Гульмира Шаменовна (Ақтөбе, Қазақстан) ҰЯЛЫ ТЕЛЕФОННЫҢ ОРГАНИЗМГЕ ӘСЕРІ	118
Елшбаева Тілек Елшбайқызы, Жумадилядина Толғанай Ерлановна (Қарағанды, Қазақстан) НАРМАНБЕТ ОРМАНБЕТҰЛЫ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫНДАҒЫ АҚІҚАТ КӨРІНІСІ	123

